# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ОКТЯБРГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 215 (6333).

4 НОЯБРЬ ШАНБА

1978 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг Тожихон Ҳамрабекова бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 34 центнердан «оқ олтин» топшириш учун курашмоқдалар. Механик-ҳайдовчилар, прицепчилар ҳам ҳар бир соатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Т. Ҳамрабекова, илғор механизаторлардан К. Маҳрамов, Қ. Қуноқова Н. Мамбетов, А. Довиров ўртоқлар пахтазорда.

О. Қозоқбоев фотоси.

## МАРРА ЭГАЛЛАНАДИ

Колхозимиз бундан ўн йил муқаддам энг қолоқ хўжаликлардан бири эди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 17 центнердан ошмасди. Давлатдан 1 миллион 600 минг сўм қарздор эди. Колхозимиз меҳнаткашлари «қолоқ» деган доғни ювиб ташлаш учун ердан, сувдан, техника воситаларидан, минерал ўғитдан самарали фойдаланиш учун астойдил курашдилар.

Шу туфайли колхозимизда деҳқончилик маданияти кўтарилиб борди.

Ўтган йили колхоз бўйича ҳар гектар қир ерлардан 31,1 центнердан ҳосил олинди. Ҳабил Тўрахўжаев бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликни анча оширдилар. Бошқа бригадаларда ҳам ҳосилдорлик яхши бўлди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида колхозимиз коллективи 1020 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34,4 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилиб аввал баҳордан иш бошлади. Лекин, ҳаммага аён, бу йил оби-ҳаво ноқулай келди. Бир талай ердаги ғўзани дўл урди. 550 гектар ерга чигит бир неча марта экилди. Пахтанинг пишиб етилиши анча кечикиб кетди. Аммо буни кўриб колхозчиларимизнинг руҳи тушмади.

Айни кунларда барча ёши-қари колхозчиларимиз жомакор кийиб, пахта майдонида жавлон урмоқдалар. Не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай териб олиш учун интилмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан руҳланган колхозчиларимиз, бизга чин дилдан мадад бериш учун келган ёрдамчиларимиз терим суръатини оширмоқдалар. Кунига колхозимизда 1,5 процент миқдорида пахта териб топширилмоқда.

Албатта, ҳали хўжалигимиз илғор колхоз ва совхозлардан орқада. Халқ хўжалик плани энди 76 процентдан ошди, холос. Бунга қараб биз умидсизланаётганимиз йўқ. Далаларимизда ҳосил сероб, колхозчиларимиз ўрта ҳисобда ҳар куни 50 килограммдан ошириб, ёрдамчиларимиз 30 килограммдан ошириб пахта теришмоқда. Тасли Толмазова, Саодат Юсупова сингари кўп минг килограммчи теримчиларимиз 7—8 тоннадан пахта териб, колхозчиларимизнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Меербек Бекмуҳамедов, Наримон Рашидов, Ҳабил Тўрахўжаев бошлиқ бригадалар маррага етай деб қолдилар. Ўроз Димаев, Вакил Абдураҳмонов, Ҳошим Номозов сингари механик-ҳайдовчиларимиз бу йилги шароитда ҳам намунали ишлаб хирмонга барака киритдилар. Ҳозиргача давлатга топширилган 2210 тонна пахтанинг 1238 тоннаси «зангори кема»лар ёрдами билан териб олинди.

Тошкент районидан келган 11 ва 17-мактаб коллективлари пахта теримида бизга жуда яхши ёрдам беришяпти. Улар кунлик терим графигини ошиғи билан бажаришмоқда. Улардан беҳад миннатдормиз.

Маълумки, ҳозир ҳаво гоҳ очилиб, гоҳ қовоғини солиб турибди. Совуқ тушиб қолди.

Бир вақтлар далаларни қор босган пайтларда ҳам пахта терганларимиз эсимизда. Ўша кунлар олдида ҳозирги қийинчиликлар ҳеч гап эмас. Мард бўлиб майдонга чиққан колхозчиларимиз саросимага тушмай, дадил ҳаракат қилмоқдалар. Колхоз правлениеси шароитни ҳисобга олиб теримга қатнашаётган колхозчиларни, ёрдамчиларни ва механик-ҳайдовчиларни моддий-маънавий рағбатлантирмоқда. Масалан, ёрдамчилар бир кунда 30 килограмм пахта териши керак. Шунда ҳар килограмм терилган пахтасига 10 тийиндан ҳақ тўланади. Агар 40 килограмм пахта терса, нормадан ошиқ терган ҳар килограмм пахтасига 30 тийиндан ҳақ тўланяпти.

Умуман колхозчиларимиз зўр ишонч билан йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун астойдил интилмоқдалар. Марра сўзсиз эгалланади, йилни ёруғ юз билан якунлаймиз. Бунга имонимиз комил.

М. ТЎРАХЎЖАЕВ,
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

## МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, 1978 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришга эришдилар.

Давлатга дон, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева, узум, пилла топшириш юзасидан беш йилликнинг учинчи йили социалистик мажбуриятлари муддатдан илгари бажарилди. Барча турдаги чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан жадал суръатлар билан давом этмоқда.

Ҳосилни тўла йиғиштириб олган кўпгина хўжаликларда 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплекси кенг кўламда бошлаб юборилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида сифатли ўтказишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб районлар, «Облсельхозтехника» район ишлаб чиқариш бирлашмалари, область суғориш тармоқлари бошқармасининг механизациялашган кўчма колонналари, «Ташводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, «Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармалари ва Чиноз машина-экскаватор станцияси ўртасида 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан социалистик мусобақа уюштиришга қарор қилдилар.

Илғор районлар, «Облсельхозтехника» район ишлаб чиқариш бирлашмалари, область суғориш тармоқлари бошқармасининг механизациялашган кўчма колонналари, «Тошкентводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, «Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармалари ва Чиноз машина-экскаватор станцияси коллективларини мукофотлаш учун Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари таъсис этилди.

Суғориш тармоқлари область бошқармаси, «Ташводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, «Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси, «Ташоблсельхозтехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзлари область комитети билан биргаликда ўз соҳаларидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиш ҳамда баҳорги дала ишларига тайёрлаш, янги ерлар ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, капитал текислаш, эски ҳайдаладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқлари ҳамда коллектор-дренажларни тозалаш, гидротехник иншоотлар ҳамда насос станцияларини ремонт қилиш ва янги мавсумга тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақа ташкил этиш вазифаси топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзлари район комитетлари, район комсомол комитетларига колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ўртасида 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида сифатли ўтказиш юзасидан социалистик мусобақа уюштириш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзлари область комитети ва район комитетлари, район комсомол комитетлари, «Ташоблсельхозтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, суғориш тармоқлари область бошқармаси 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида сифатли ўтказишда муваффақиятга эришган илғор коллективларни моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилашлари, мусобақага мунтазам якун ясаб бориш ва унинг кенг ошкоралигини таъминлашлари зарур.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакциялари область районлари ва хўжаликларида 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексининг бажарилишини мунтазам ёритиб боришлари зарур.

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИ ЎРТАСИДА 1979 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА СИФАТЛИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

## ШАРТЛАРИ

Социалистик мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар, «Ташоблсельхозтехника» район ишлаб чиқариш бирлашмалари, район суғориш тармоқлари бошқармалари, «Ташводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, «Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармалари ва Чиноз машина-экскаватор станцияси ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари иштирок этадилар.

1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларнинг бажарилиши районлар ўртасида 1978 йилнинг 11 ноябридан бошлаб, 1979 йилнинг 1 апрелигача, ҳар ўн кунда «Ташоблсельхозтехника» ва сув хўжалиги органларининг механизациялашган кўчма колонналари район ишлаб чиқариш бирлашмалари ўртасида эса 1978 йилнинг 1 декабридан бошлаб 1979 йилнинг 1 апрелигача ҳар ойда якунланади.

1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўтказишда энг юқори суръатга эришганларга Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг тўртта кўчма Қизил байроғи берилади. Шу жумладан:

— илғор ихтисослаштирилган пахтачилик районига — битта

— илғор ихтисослаштирилган сабзавотчилик районига — битта:

— илғор «Ташоблсельхозтехника» район ишлаб чиқариш бирлашмасига — битта:

— илғор область сув хўжалиги органларининг механизациялашган кўчма колоннасига, Чиноз машина-экскаватор станцияси билан биргаликда — битта.

Кўчма Қизил байроқ бериш билан бирга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун область бозор фондидан биттадан енгил автомашина ажратилади.

Кўчма Қизил байроқ берилаётганида иш ҳажми бажарилишидаги энг юқори ўсиш, 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг қуйидаги муддатларда ўз вақтида ва сифатли тугаллаш эътиборга олинади:

— кузги бошоқли дон экинларини экиш — 1978 йилнинг 1 декабригача, баҳорги дон экиш 1979 йилнинг 10 мартигача;

— далага органик ва минерал ўғитлар чиқариб, шудгорлаш — 1978 йилнинг 1 декабригача:

— баҳорги шудгорлаш ва кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизини териб ташлаш — 1979 йилнинг 20 мартигача:

— органик ўғит жамғариш топшириғини 70 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 январигача, 100 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 мартигача;

— кузги сабзавот экинларини экиш ва ўтказиш— 1978 йилнинг 20 ноябригача, полиэтилен плёнкаси остига эртаки сабзавот экинлари экиш —1979 йилнинг 10 мартигача;

— эски боғларни, токзорларни, тутзорларни ремонт қилиш ва янгиларини барпо этиш топшириғини эллик процент бажариш — 1978 йилнинг 1 декабригача, бу ишни бутунлай тугаллаш эса — 1979 йилнинг 1 апрелигача.

— ерларни капитал текислаш топшириғини 50 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 январигача, 100 процент бажариш эса — 1979 йилнинг 1 мартигача;

— янги ер ўзлаштириш топшириғини 35 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 январигача, 70 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 апрелигача, 100 процент бажариш эса — 1979 йилнинг 1 июлигача;

— хўжаликлараро ва ички суғориш тармоқларини ҳамда коллектор дренажларини тозалаш, каналларни бетонлаш топшириғини 40 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 январигача, 80 процент бажариш — 1979 йилнинг 1 мартигача, 100 процент бажариш — 1979 йилнинг биринчи апрелигача;

Қишлоқ хўжалик техникасининг ремонти ва 1979 йил кўкламги дала ишларига тайёрлаш қуйидаги муддатларда таъминланиши лозим;

— дон экиш сеялкалари — 1979 йилнинг 1 февралигача;

— ҳайдов тракторлари ва трактор плуглари — 1 мартгача, чизеллар, дискали ва тишли бороналар — 1979 йилнинг 10 мартигача:

— чопиқ тракторлари, пахта сеялкалари, гербицидлар сепиш учун мосламалар — 1979 йилнинг 20 мартигача;

— культиваторлар—1979 йилнинг 30 мартигача:

Шунингдек, қиш даврида чорва моллари бош сонини тўла сақлаб қолиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳар ойда камида 30 процентга кўпайтириш, давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини 1 мартга қадар, сут ва тухум сотиш планини эса 15 мартга қадар бажарилишини таъминлаш зарур.

## БАЙРАМ ШАРАФИГА

Колхозимиз районда энг йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Ўтган йили 1500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42,6 центнердан пахта хирмони кўтариб, районда ҳосилдорлик жиҳатидан биринчи ўринни эгалладик. Ялпи ҳосилнинг учдан икки қисми терим машиналари ёрдамидв териб олинди. Ҳар бир терим агрегатининг ўртача иш унуми 150 тоннадан ортиқроқни ташкил этди. Мен агрегатим бункеридан 188 тонна пахта териб, зиммамдаги социалистик мажбуриятимни ошиғи билан уддаладим.

Бу йил 200 тонна пахта териш мажбуриятини олганман. Йиғим-теримнинг энг долзарб кунларида агрегатимни юксак унум билан ишлатиб, кунига 9—10 тоннадан «оқ олтин» тўкдим. Яқин кунлар ичида юксак мажбуриятимни бажарганим ҳақида ғалаба рапорти бераман.

Айни кунларда хўжалигимиз заршунослари кундалик суръатни бўшаштирмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай Ватан омборларига етказиб берамиз. Пахтакорларимиз мавжуд куч ва техника воситаларини Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги нишонланадиган кунгача йиллик планни бажаришга қаратганлар. Биз ўз сўзимиз устидан чиқиб, Октябрь байрамига муносиб совға ҳозирлаяпмиз.

П. МИРСОАТОВ,
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

## 60 ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ

ҒАЛАБА районидаги «Коммунизм» совхозидан Турди Қосимова бошлиқ бригада коллективи: «Мажбурият бажарилди! Гектаридан 50 центнердан биринчи навли пахта териб олинди» деб рапорт берди. Бу ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда териб олинди. Бригада бошлиғи— КПСС XXV съездининг делегати. Турдихон кунлик топшириқларни ортиғи билан бажариб, меҳнатда ҳамма механизаторларга ибрат кўрсатмоқда. Бригада беш йилликнинг учинчи йилида гектар бошига «оқ олтин» ҳосилини 60 центнерга етказишга аҳд қилди.

Пешқадамлар ваъдага вафо қилиш мақсадида тўкилган пахтани териб оладиган машинани, кўрак узадиган, кўсак чувийдиган механизмларни ишга туширдилар. «Зангори кема»лар ҳам, бутун машина-механизмлар ҳам икки сменада ишлаётир.

(ЎзТАГ).

## „Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, бир кунда машинада терилгани, — бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ҒАЛАБА | 0,01 | 104,77 | — | 106,76 |
| Бўка | 0,09 | 97,45 | — | 99,12 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,04 | 93,93 | — | 95,98 |
| Коммунистик | 0,01 | 92,92 | — | 95,00 |
| Янгийўл | 0,06 | 92,61 | — | 99,44 |
| Бекобод | 0,02 | 91,42 | — | 81,37 |
| Чиноз | 0,14 | 89,05 | — | 84,47 |
| Пискент | 0,03 | 75,99 | — | 65,40 |
| Оққўрғон | 0,01 | 70,62 | — | 60,03 |
| Область бўйича: | 0,04 | 89,70 | — | 87,94 |

## СОВЕТ ВЬЕТНАМ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

3 ноябрь куни Кремлда Совет-Вьетнам музокаралари тугалланди.

Музокараларни Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг ВСРдаги элчиси Б. Н. Чаплин;

Вьетнам томонидан — ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукумати бош министри Фам Ван Донг, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Ҳукумати Бош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нги, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Халқ армияси бош штабининг бошлиғи армия генерали Ван Тиен Зунг, ВКП Марказий Комитетининг аъзоси, ВСР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Нгуен Ко Тхать, ВКП Марказий Комитетининг аъзоси, ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу, ВКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ВСР Госплани раисининг ўринбосари Ле Кхак олиб бордилар.

Музокаралар давомида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда Совет-Вьетнам ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди. Совет Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида манфаат ва мақсадларнинг бирлигига, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг мустаҳкам негизига асосланган дўстликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш совет ва вьетнам халқларининг туб манфаатларигагина эмас, тинч мустақил ривожланиш учун, социал тараққиёт учун курашаётган барча халқларнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади, деб таъкидлаб ўтилди.

Ҳар икки томон халқаро масалаларни кўриб чиқиш вақтида Осиёда ва бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш, давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб чиқишга қатъий қарор берганлигини билдирди.

Қўшма ахборот келишиб олинди. Бу ахборот матбуотда эълон қилинади.

Музокаралар қардошларча дўстлик ва қарашларнинг тамомила бирлиги вазиятида ўтди.

(ТАСС).

## СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИГА ПХР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ

Польша Халқ Республикасининг Давлат кенгаши энг узоқ давом этган космик учиш чоғида кўрсатган жуда катта хизматлари, жасорати ва мардлиги учун ҳамда «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида Совет-Польша экипажи билан қардошларча баҳамжиҳат ҳаракат қилганликлари учун СССРнинг космонавт-учувчилари Владимир Коваленок ва Александр Иванченковни биринчи даражада «Грюнвальд крести» ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

## БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

3 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг коллективига тантанали вазиятда КПСС Марказий Комитети ишлар мудирлиги ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Нашриёт коллективи шу йилнинг учинчи кварталида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун шу мукофотга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

